



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА БАҒИШЛАНГАН НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

**Абдурахманова Муқаддас Тохтасиновна -**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
миллий университети, докторанти

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a66](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a66)

**Аннотация.** Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиб, унда инсоният ҳаёти учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва аҳоли учун истеъмол буюмлари тайёрловчи саноат тармоқларига хомашё етиштириб берилади. Аграр соҳа олдида турган вазифаларни бажариш учун аграр соҳани ва улар билан боғлиқ бўлган саноат тармоқлари, хизмат кўрсатиш ҳамда инфратузилма соҳаларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида ҳар томонлама ривожлантириш зарур.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, ер ресурслари, иқтисодий муносабатлар, аграр соҳада самарадорлик, ишлаб чиқариш, назарий қарашлар.

## ЭВОЛЮЦИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ПОДХОДОВ К ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

**Абдурахманова Муқаддас Тохтасиновна –**  
Национальный Университет Узбекистана  
по имени Мирзо Улугбека, докторант

**Аннотация.** Сельское хозяйство является важной отраслью экономики, в которой производится сырьё для отраслей, производящих продукты питания, наиболее необходимые для жизни человека, и потребительские товары для населения. Для выполнения задач, стоящих перед аграрным сектором, необходимо всестороннее развитие аграрной сферы и смежных с ней отраслей, сферы услуг и инфраструктуры на основе опыта зарубежных стран.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, земельные ресурсы, экономические отношения, эффективность в сельскохозяйственном секторе, производства, теоретические взгляды.

## EVOLUTION OF THEORETICAL VIEWS ON THE USE OF LAND RESOURCES IN AGRICULTURE

**Abdurakhmanova Muqaddas Toxtasinovna -**  
National University of Uzbekistan named  
after Mirzo Ulugbek, doctoral student

**Abstract.** Agriculture is an important sector of the economy, in which raw materials are produced for industries that prepare food products and consumer goods for the population, which are the most necessary for human life. In order to fulfill the tasks facing the agrarian sector, it is necessary to comprehensively develop the agrarian sector and related industries, service and infrastructure sectors based on the experience of foreign countries.

**Key words:** agriculture, land resources, economic attitude, efficiency in the agricultural sector, production, theoretical views.

**Кириш.** Иқтисодий муносабатлар ривожланишининг турли босқичларида ер ресурсларидан хўжалик юретишининг турли шаклларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида самарали ва оқилона фойдаланиш илмий-амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этувчи муаммо сифатида баҳоланиб, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ҳам мазкур муаммо иқтисодий адабиётда қаторига киради. Иқтисодий нуқтаи назардан, узоқ йиллар мобанида ер ресурсларига анъанавий тарзда инсон ёрдамисиз табиат томонидан етказилган меҳнат предметлари тўплами сифатида қаралган [1]. Шу сабабли ҳам амалий жиҳатдан иқтисодий муносабатлар ривожланишининг турли босқичларида табиий шарт-шароитларнинг маълум бир элементлари, масалан, сув ресурслари, қазилма бойликлар, ўсимликлар кабилардан фойдаланиш ернинг сифати ва туп-

роқ унумдорлигига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиб келган, деган хулосага келиш мумкин.

Ер ресурсларининг тикланиш хусусияти бўйича таҳлил қилинганда, улар чекланган табиий ресурслар қаторига киритилиб, ушбу ҳолат куйидаги икки сабаб орқали тавсифланади:

– кенглик, ҳудуд, ернинг устки қатлами, қуруқлик билан сув нисбатининг хусусий тарздаги локал ўзгаришларини ҳисобга олмаганда ер ресурслари қайта тикланмайди;

– ер ресурслари турларининг ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, яхшилаш, тиклаш учун имкониятлар амалий жиҳатдан чексиздир [1].

Жумладан, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларига тикланиши чекланган табиий ресурс сифатида қаралиши 1-жадвалда келтирилган ҳолатлар билан ҳам изоҳланади.

## Қишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан фойдаланишда ер ресурсларининг тутган ўрни [2]

Табиий ресурслар	У ёки бу табиий сферага боғлиқлиги	Ер ресурслари билан ўзаро алоқадорлиги	Хўжалик фаолияти юртишда фойдаланиш	Ресурсларнинг қайта тикланиш имконияти
Ер	Литосфера	-	Агросаноат мажмуаси ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари	Тикланиши чекланган
Минерал	Литосфера	Тупроқларнинг минерал асосини ташкил этади. Ер қатлами тагидаги фойдали қазилмалар	Минерал ва ёқилғи-энергия хомашёси	Қайта тикланмайди
Сув	Гидросфера	Табиий муҳит элементларининг барчасида сув суюқ, қаттиқ, гизсимон ҳолатда мавжуд	Қишлоқ хўжалиги, маиший ва саноат сув истеъмоли	Қайта тикланади
Ўсимлик дунёси (флора)	Биосфера	Ернинг усти ва тупроқ қатлами билан ажралмас ҳолда боғлиқ	Қишлоқ хўжалиги, айниқса, дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Тикланади
Ҳайвонот дунёси (фауна)	Биосфера	Ернинг усти ва тупроқ қатлами билан ажралмас ҳолда боғлиқ	Чорвачилик, овчилик, ҳайвонот маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Тикланади
Иқлимий	Атмосфера	Табиатда иссиқлик, намлик, газ алмашиниш манбаи	Инсонлар ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолиятининг экологик шарт-шароитлари	Тикланиши чекланган

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишга бағишланган илмий тадқиқотлар «Ер – инсон – ишлаб чиқариш» тизимини ташкил этувчи элементларнинг ўзаро оқилона таъсир доираларини аниқлаш орқали қуйидаги вазибаларни ҳал этиши лозим ҳисобланади:

– қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг экологик жиҳатдан ер ресурсларига салбий таъсирини минималлаштириш ва энг хавфсиз даражасини таъминлаш;

– қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишда уларнинг сифат кўрсаткичларини тўлиқ инobatга олган ҳолда, максимал унумдорликка эришиш;

– жамият аъзолари эҳтиёжларини самарали қондириш мақсадида ер ресурслари ҳолатини яхшилаш ва уларни муҳофаза қилиш.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқли жиҳатларидан бири ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ер ресурсларининг ҳолати ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлигидадир. Иқтисодий адабиётларда узоқ йиллар мобайнида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишга бағишланган илмий қарашлар шаклланиб келмоқда.

Таниқли иқтисодчи олим К.Маркс ўзининг «Капитал» номли асарида ер ресурсларига

қуйидагича таъриф берган: «Ер ресурслари иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва ёлланма ишчиларни жойлаштириш имконини беради» [8]. Иқтисодчи олим томонидан ер ресурсларига нисбатан берилган таърифта асосланган ҳолда, ер ресурслари нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари фаолиятини самарали ташкил этилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади, деган хулосага келиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олим яшаган даврда аксарият мамлакатлар иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этганлигини инobatга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини таъминлашда ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши аниқ баён этилганлигини олим томонидан ер ресурсларига берилган таърифда кўришимиз мумкин.

Классик иқтисодий мактаб намояндаларидан бири, А.Смит ўз илмий тадқиқотларида ишлаб чиқаришнинг устувор ҳисобланган ер, меҳнат ва капитал омилларини ажратиб кўрсатади [5]. Ушбу ҳолат жаҳон мамлакатларида капиталистик муносабатларнинг шаклланиш даврининг илк босқичларида ҳам ер ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

XX асрнинг ўрталарига келиб, К.Маркс [6], А.Смит [7], Д.Рикардо [12] каби иқтисодчи олимларнинг ер ресурслари ва улардан самарали

фойдаланиш йўналишлари бўйича амалга оширган тадқиқотларига таянган ҳолда, С.А.Удачин [15] томонидан ер ресурсларининг ишлаб чиқариш омили сифатидаги функциялари ишлаб чиқилди. Олим ўз тадқиқотларида ер ресурсларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги вазифалари, унинг мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқлари учун аҳамияти, ер ресурсларининг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқли жиҳатларини инобатга олган ҳолда ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий моҳиятини ёритишга ҳаракат қилади. Олим тадқиқотлари натижалари бугунги кунга қадар жаҳон мамлакатларида ер тузиш ва ундан фойдаланиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларда мунтазам қўлланиб келинмоқда.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан яна бири Е.А.Захарова ўз илмий тадқиқотларида бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги мамлакатлар иқтисодиётида муҳим стратегик аҳамият касб этувчи тармоқлар қаторидан ўрин эгаллашини таъкидлаган ҳолда, ушбу соҳа табиий омилларнинг таъсири, ер ресурсларининг ҳолати ва уларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бевосита таъсирини баҳолайди [7].

Шунга ўхшаш тадқиқотлар Н.Г.Овчинникова томонидан ҳам амалга оширилган бўлиб, унинг фикрича, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан ноқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга иқтисодий субъектларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича харажатларини асосиз равишда ортиб кетишига олиб келади [10].

**Тадқиқот методологияси.** Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишга бағишланган назарий қарашлар бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш усуллари қўлланилган.

**Таҳлили ва натижалар.** Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ресурс салоҳиятини таҳлил қилишда қишлоқ хўжалиги жойлашган майдон, яъни унда фойдаланилаётган ер ресурслари ҳажми, меҳнат ресурслари сони, моддий ва техник ресурсларга эътибор қаратилади. Ушбу ҳолат юқоридаги Е.А.Захарова ва Н.Г.Овчинниковалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда турли мамлакатлар, минтақалар, ҳудудларда тенологик жиҳатдан мувозанатлашмаган ресурсларга эгалик қилиш билан биргаликда, ер ресурсларининг хусусиятлари турлича эканлиги инобатга олинмаганлигидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, турли мамлакатлар

да маълум бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иқтисодий субъектлар томонидан турли харажатлар амалга оширилишини талаб этади. Шу билан бирга, ер ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, тупроқ унумдорлиги, сув ресурсларининг етарлилиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурслари ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг устувор аҳамият касб этувчи омилларидан ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини белгилаб бериш имкониятини вужудга келтиради. Ер ресурсларининг бу турдаги хусусиятлари қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш орқали соҳада юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

О.Н.Долматова [5] томонидан замонавий бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларнинг ўзаро таъсири таҳлил этилган бўлиб, олим ер, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш воситалари каби омиллар ўртасидаги ўзаро комбинациялашган алоқадорликни ишлаб чиқади (1-расмга қаранг). Бунда олима қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган омилларга эътиборни қаратади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий-концептуал ва амалий жиҳатлари ҳам иқтисодий, ҳам аграр соҳадаги илмий концепциялар ҳам ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳаларига тегишли ҳисобланади. Замонавий иқтисодий адабиётда қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий-методологик асослари, уни ташкил этиш хусусиятлари ва такомиллаштириш йўналишлари узоқ хорижлик олимлардан С.П.Васкуэз [13], Д.Г.Мсуя [6], М.Вебер [17] кабиларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топади. Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Б.Ф.Султоновнинг фикрича, қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланиш концепцияси ердан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий масалаларини ягона тизим сифатидаги таркибий жиҳатларини ўз ичига олади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари унда ижтимоий меҳнат тақсимотининг бошқа тармоқларга нисбатан ўзгача намоён бўлишида, деб ҳисоблайди.



1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг ўзаро алоқадорлиги комбинацияси [12]

Олим қишлоқ хўжалигида ер, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан оқилона фойдаланиш дехқончилик ва чорвачилик тармоқларини уйғун ҳолда ривожлантиришни объектив заруратга айлантиради, деган фикрни илгари суради [17].

Шунингдек, иқтисодчи олим Ҳ.П.Абулқосимов қишлоқ хўжалигида энг юқори унумдорликка эришиш имконини берувчи ер ресурси сифатида –суғориладиган ерларни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, суғориладиган ерлар – қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар ҳисобланади. Олим қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг бош стратегияси ер ресурслари ҳолатини ўрганиш, уларнинг миқдори ва сифатини белгилаш, деб ҳисоблайди. Олим томонидан амалга оширилган тадқиқотларда қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонларининг камайиб бораётганлиги қаровсиз, экин экилмаган ер майдонлари улушининг ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини янада ошириш, хўжалик субъектлари фаолияти рентабеллигини ошириш зарурати муҳим иқтисодий ресурс (омил) бўлган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади, деган хулосага келади [2].

Маҳаллий иқтисодчилардан яна бири А.Б.Пренов томонидан қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларининг сув таъминотига эътибор қаратилади. Унинг фикрича, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тизимини яратишда, аввало сув таъминоти даражасини ҳисобга олган ҳолда маълум маъмурий ҳудудлар доирасида экинлар экиш таркибини такомиллаштириш зарур [11].

Р. Ташматов ўз тадқиқотларига асосланган ҳолда, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини бир хилда ушлаб туриш мақсадида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини оширишда қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш механизминини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Жумладан, олим мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида импорт ҳажминини камайтириш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини ажратиб кўрсатади. Ушбу муаммоларни ҳал этишда республика ҳудудлари кесимида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларини жойлаштиришни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайди [14].

Шу ўринда эътиборни маҳаллий иқтисодчи олим Ў.Б.Мухторовнинг илмий тадқиқотлари натижаларига қаратиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, «Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини экин майдонларидан юқори самара олиш, улардан мақсадли фойдаланиш, ердан фойдаланишнинг оптимал ўлчамларини аниқлаш, экологик талаблардан келиб чиққан ҳолда тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш орқали тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуининг таркибий қисми ҳисобланади» [22]. Олим ўз илмий тадқиқотларида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишда ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятларини 2-жадвалда келтирилган тартибда ажратиб кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятлари[21]

Ернинг хусусиятлари				
Ер майдони	Худудий жиҳатдан чегараланган	Тупроқ	Алмаштириб бўлмайди	Меҳнат қуроли
	Жойлашган ўрни доимий ва қўзғалмас		Унумдорлиги бўйича турли хил	Унумдорликни истеъмол қилиш
	Худудий хусусиятга эга		Меҳнат предмети	
	Рельеф, ландшафт бўйича бир хил эмас		Унумдорликни такрор ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш жараёнида эскирмайди
	Табиий йўл билан унумдорликни тиклайди			

Таҳлилларга кўра, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бугунги кунда иқтисодий адабиётда ҳали-ҳануз ўз ечимини кутаётган муаммолар қаторидан ўрин эгаллайди. Фикримизча, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий назарияларида умумий ҳолда тупроқ унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда ер ресурсларидан фойдаланиш зарур, деган ғоя илгари сурилган. Ушбу ҳолат тупроқ унумдорлиги тушунчасининг моҳиятини тушуниб етиш заруратини вужудга келтиради.

Тупроқ унумдорлиги нисбий тушунча бўлиб, унумдорлик нафақат тупроқ билан боғлиқ хусусиятлар, балки қишлоқ хўжалигида экиладиган экинларнинг турларига ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади. Масалан, маълум бир турдаги тупроқ айрим қишлоқ хўжалиги экинлари учун унумдор ҳисобланса, бошқа турдаги экинлар учун унумли бўлмаслиги мумкин. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалиги экинларидан улар экиладиган тупроқ хусусиятларига бўлган талаби турли хил эканлиги билан изоҳланади [4].



2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар.

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Жумладан, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш тушунчасининг тор ва кенг маънодаги таърифлари ўзаро фарқланади. Тор маънода қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фойдаланилаётган ер майдонларини англатса [16], кенг маънода эса қишлоқ жойларда инсонларнинг ҳаётини фаолиятини таъминловчи жой сифатида шаклланиб, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ердан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида фойдаланиш борасидаги муносабатларни ўз ичига олади [3]. Шу билан биргаликда,

қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш – ердан оқилона, тартибли фойдаланиш ва унинг сифатини яхшилаб боришдан бўлган манфаатдорлик билан таъсифланади [9].

**Хулоса ва таклифлар.** Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишга бағишланган илмий қарашларни таҳлил қилиш асосида замонавий бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларида самарали фойдаланили-



шида 2-расмда келтирилган омиллар билан бевосита боғлиқ, деган хулосага келинди.

Шу билан биргаликда, қишлоқ хўжалигида ерлардан самарали фойдаланиш куйидаги талабларга мос келиши зарур:

1. Ер майдонидаги тупроқ ҳосилдорлиги кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатмаслиги.

2. Ҳар бир гектардан олинаётган ҳосил кўрсаткичи йилдан-йилга пасайиб кетмаслиги.

3. Ер майдонларига экинларни экиш ернинг техник кўрсаткичлари ёмонлашувига олиб келмаслиги.

4. Мунтазам равишда ер ресурсларининг техник кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб борилиши.

5. Вақти-вақти билан ерларга экин экишдан дам бериш ва ҳ.к.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Авазбаев С., Шарипов С.Р. Ер тузишининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТИҚХММИ, 2020. 13-бет (171 бет).
2. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш масалалари. // Иқтисод ва молия илмий журнали. 9-сон. 2015. 10-16-бетлар.
3. Алтиев А. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишининг механизмларини такомиллаштириш. Дисс. и.ф.д. 2017. – 238 б.
4. Бобоҳўжаев И., Узоқов П. Тупроқшунослик. – Т.: Меҳнат, 1995. 237-238-бетлар.
5. Долматова О.Н. Значение земельных ресурсов в системе современного сельскохозяйственного производства. / О.Н.Долматова // Вестник Омского ГАУ, 2017. № 3 (27). С. 197-206.
6. Dunstan Gabriel Msuya. Farming systems and crop-livestock land use consensus. // Open Journal of Ecology. Vol. 3. № 7 (2013), p. 9.
7. Захарова Е.А. АПК, господдержка и эффект мультипликации. / Е.А.Захарова. // Российское предпринимательство. – М.: Креативная экономика, 2012. № 4 (2). С. 121-125.
8. Маркс К. Капитал: сочинения. / К.Маркс, Ф.Энгельс. 2-е изд. – М.: Государственное издание политической литературы, 1963. Т. 26. Ч. 2. – 608 с.
9. Мухторов Ў.Б. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш. Иқт. фан. б-ча фалсафа док. (PhD) дисс. автореф. – Т., 2021. 52-б.
10. Овчинникова Н.Г. Формирование механизма обоснования устойчивого землепользования. / Г.Н.Овчинникова. // Эконом. вестн. Ростовского государственного университета, 2009. Т. 2. № 2. С. 41-44.
11. Пренов А.Б. Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишининг ташкилий-иқтисодий асослари. // Иқтисод ва молия илмий журнали. 6-сон. 2014. 37-42-бетлар.
12. Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. / Д.Рикардо. // Антология экономической классики. – М.: Эконов, 1993. Т. 1. С. 397-473.
13. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / А.Смит. // Антология экономической классики. – М.: Эконов, 1993. Т. 1. С. 79-396.
14. Султанов Б.Ф., Сайитмуродова Н.Б. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишининг ижтимоий аҳамияти. // "O'zbekiston zamini" илмий-амалий ва инновацион журнал. 3-сон. 2020. 20-22-бетлар.
15. Steve Padgett Vasquez. Forest cover, development, and sustainability in Costa Rica: Can one policy fit all? // Land Use Policy. Vol. 67, 2017, pp. 212-221.
16. Ташматов Р. Худудларда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2017. 10-б. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/6\\_R\\_Toshmatov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/6_R_Toshmatov.pdf).
17. Удачин С.А. Вопросы теории землеустройства. Учеб. пособие. / С.А.Удачин. – М.: Колос, 1955. – 162 с.
18. Journal of Ecology. Vol. 3. № 7 (2013), 9 p.
19. Ҳасанов Ш. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. И.ф.д. дисс. 2017. – 224 б.
20. Weber M. The Agrarian History of the Ancient World / Weber. – М.: Canon C-Press, 2001. – 429 p.



### ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ ЗАНЖИРИДА АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Исмоилова Гулчирой Толлибой қизи –  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a67](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a67)

**Аннотация.** Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолга етказиб бериш занжирида агросаноат кластерларини ривожлантириш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** озиқ-овқат таъминоти, қишлоқ хўжалиги хомашёси, туташ тармоқлар, бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, қўшилган қиймат занжири, озиқ-овқат маҳсулотлари, кластерлаш, агросаноат кластерлари, кластер ядроси, хизмат кўрсатувчи тармоқлар, илм-фан, институционал тузилмалар, хориж тажрибаси.